

68
Н-79

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

Н.Х.НОРАЛИЕВ

**ИНТЕРНЕТ ВА ЭЛЕКТРОН
ПОЧТА БИЛАН ИШЛАШ**

ТОШКЕНТ – 2007 й.

Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество предыдущих
выдан

Бу қўлланма Интернет тармоғида ва
кўмак берувчи кўрсатма сифатида
Интернет протоколлари, унга уланиш
унда хат алмашиш хақида зарурий
Интернетда ишлаш жараёнида
у мақсадида энг таникли кидирувчи
анзиллари келтирилган.
шунини истаган кенг фойдаланувчилар

Тошкент Компьютер технологиялари
Физика математика

Информацион Ахборот технологиялари
Информацион филиали
Информацион тизимлари



«Ахборот технологиялари»
10 сонли, Кишлоқ хўжалик
«Шкил этиш» факультети ўқув-
майдаги 9 сонли баённомаси
га тавсия этилган.

Шрифт бўлими

КИРИШ

Замонавий технологияларнинг ривожланиши ҳолати биринчи
навбатда жамиятнинг интеллектуал салоҳиятига, жумладан таълим
соҳасининг ривожланишига боғлиқ. Таълимнинг мазмуни ва сифати
масаласи жамиятда устувор йўналиш сифатида қаралмоқда.
Дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида таълимни
ахборотлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълимни
ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш йўллари
изланмоқда, таълимда янги ахборот технологияларини
самарадорлигини ошириш олимлар оммасининг диққат марказидан
ўрин олган. Ҳозирда таълим муассасалари замонавий компьютер ва
телекоммуникация технологиялари асосида жиҳозланмоқда. Бу, ўз
навбатида педагогларнинг ўз меҳнат фаолиятларига янги
ёндашувларини талаб этади. Ўқув жараёнида янги технологияларни
жорий этилиши, ўқитувчини техник воситалар томонидан сиқиб
чиқишга эмас, балки унинг вазифалари, ролини ўйгартиради.
Ўқитувчилик фаолиятининг мураккаблашувига олиб келади. Шунинг
учун ҳам ҳозир ҳар бир ўқитувчи қайси соҳа мутахассиси
булишидан катъий назар замонавий ахборот – коммуникация
воситаларидан фойдаланишни, Интернетда ахборотлар билан
ишлашни ҳамда электрон почта хизматидан фойдаланишни
мукамал билиш лозим. Куйида ушбу масалани қисман бўлсада ҳал
этишга ёрдам берувчи материаллар келтирилди.

42279/183

1. Интернетнинг ривожланиш тарихи

Интернет бу XX асрда кашф этилган телекоммуницион ва компьютер тармоқлар мажмуосидир. **Интернет (Internet-Interconnected Computer Networks** сўзларидан олинган бўлиб, ўзаро боғланган компьютер тармоқлари деган маънони англатади) - бу бир-бири билан алоқа каналлари (мавжуд бўлган телефон каналлари ва кабелли алоқа каналлари) бўйича мулоқот қиладиган турли хил компьютер тармоқларининг бутун жахон уюшмасидир. **Internet-** бу кўплаб глобал, регионал ва локал тармоқларни бирлаштирувчи бутун жахон глобал компьютер тармоғидир. Бошқача айтганда, **Internet-** бу бутун ер шарини ўраб олган тармоқларнинг тармоғидир.

Internet тармоғини ташкил этишга асос АКШ мудофаа вазиригининг компьютер тармоғи ARPAnet (ARPA - Advanced Research Projects Agency) бўлиб, у 70-йилларнинг бошларида илмий ташкилотлар, харбий муассасалар ва мудофаа саноати корхоналари компьютерларининг алоқаси учун яратилган эди.

1980-йиллар INTERNETнинг кескин ўсиш даври бўлди. 1983-йилда ARPAnet ARPANET-INTERNET деб атала бошланди ва жуда кучли, бир-бири билан боғланган компьютерлар ва тармоқлар тўпламидан иборат тизимга айланди.

Компьютерларнинг марказлашмаган бошқариш тармоғи билан боғланиш схемаси бутун дунёга кенг тарқалди ва чет эл тармоқ ташкилотчилари АКШ тармоғига уланишга рози бўлишди. INTERNET нинг бутун дунёни қамраб олиши куйидаги тармоқларнинг қўшилиши хисобига бўлди.

NSFNET - АКШнинг илмий-тадқиқот институтларини, корпорация ва ҳукумат идораларини бирлаштирувчи тармоғи(1980 йил),

EUNET (Europe Union Network) - Европанинг UNIX операцион тизимида ва UUCP ҳамда TCP/IP да ишлайдиган машиналари тармоғи. Маркази Амстердам шаҳрида(1982 йил),

EARN (European Academic Research Network)- Европанинг ўқув, илмий-текшириш ва тадқиқот муассасаларининг тармоғи (1983 йил),

JUNET - Япониянинг UNIX машиналари тармоғи (1984 йил),

JANET - Буюк Британиянинг бирлашган академик тармоғи (1984 йил)

Шулардан NSFNETни - **Internet Backbone** ёки "**интернетнинг асоси**" деб аташади. Ташкил этилган вақтда 1980 йилда у 56 Кбит-с

тезлигида ахборот узата олиш қobiliятига эга эди. 1988 йилда эса унинг тезлиги 1,54 Мбит-с ошди. 1991-йили NSFNET тармоғи такоммиллаштирилди ва узатиш тезлиги 44.36 Мбит-с га етди.

Интернетга уланган компьютерлар сони 1987 йилда 10 000 булса, 1995 йилда эса 40 миллион, 2000 йили 100 миллион деб ҳисобланган. Хозирги кунда эса дунёнинг 150 дан ортиқ мамлакатада 1 миллиардга яқин компьютерлар Интернетга уланган бўлиб, кун сайин улар сони ошиб бормокда.

2. Интернет протоколлари, саҳифалари ва уларнинг турлари

90- йиллар INTERNET учун кўшимча хизмат тармоқлари ташкил қилинган давр бўлди. 1990 йили Билл Хилан, Элан Эмтидж ва Питер Дейч **ARCHIE** программасини ишлаб чиқишди. 1991 йили Брюстер Каале **WAIS** программасини тузди, Миннесота университетида Пол Линднер ва Марк Мак-Кайл томонидан **Gopher** программаси тузилди. 1992 йилда Невада штати университетида яратилган **Veronica** системаси ишга туширилди ва шу сабабли тармоқдаги компьютерлар сони кескин ошиб кетади.

Аммо Internet нинг 90-йиллардаги ривожланишига асосий сабаб **World Wide Web** (Бутун Дунё Тармоғи) нинг яратилиши бўлди. Уни биринчи нухасини 1990 йилнинг ноябрида **CERN** (Европа атомни текшириш маркази) ходими Тим Бернс-Ли яратди, лекин 1992 йилгачи ишга туширилмади. 1993 йилда **NCSA** (National Center for Supercomputer Applications, Суперкомпьютерли Хисоблаш Миллий Маркази) томонидан **Mosaic** программаси ишлаб чиқарилди ва шу йил охирига 200 та WWW сервер ишга туширилиб WWW бўйича ахборот оқими 1% ни ташкил қилган.

Internet ва WWW бир хил эмас. Internet бутун дунё компьютерлар тармоқларининг бирлаштиради ва турли хил компьютер хизматларини кўрсатади. Бу - **E-mail** электрон почта, **Usenet** телеконференциялари, **FTP** маълумот файлларини узатиш системаси, **Telenet** узокдан терминалга кириш системаси, **Gopher** системаси ва Бутун Дунё Тармоғи- **WWW**.дир. Демак WWW Internetнинг бир қисми булиб, жуда тез ривожланмокда.

Internetга уланиш учун компьютер билан модем етарлидир. Шунинг учун Бутун дунё тармоғи бутун олам ахборотлар омбори-кутубхонага айланиб қолади ва у дунёга ёйилади. WWW да

маълумотлар саҳифаларда жойлашади. WWW саҳифаларнинг сони охириги 3 йилда юз миллиондан ошиб кетди. Бу саҳифаларнинг эгаси ким? Улар йирик корпорациялар ёки кичик корхоналар, университет ва мактаблар, ташкилотлар, журнал ва рўзномалар ёки оддий шахслардир. Бу саҳифаларда турли-туман маълумотлар жойланади. Хозирги кунда WWW ахборот олишнинг ва тарқалишнинг энг кулай усулидир. У унга кирувчи ва уланган барча компьютерларнинг ўзаро маълумотлар алмашиш имкониятини яратиб беради.

Интернет маълумотлари ичида ҳаракатланиш учун бизга гиперматн аълоқалар ёрдам беради. Гиперматн бу матнни гиперкурсатмалар ёрдамида тушунтиришдир. Яъни матндаги бирор сўз еки атамани изоҳлашда бошқа матн ёки саҳифадан фойдаланиш. Хар бир Internet саҳифаси ўз тармоқ адресига эга ва АКШнинг Вирджиния штатида шу адреслар тақрирланмаслиги учун махсус компания мавжуд. Бу URL (Universal Resource Locators) адреси. URL адреси гипердокументнинг домен ва қўйиланиш каталоги, сервери, домени ва сервер турини кўрсатади. URL адреси бир неча қисмдан иборат. Хар бир қисми нуққа билан ажратилади.

URL адреснинг умумий кўриниши:

система:// компьютер(булим)_номи . тармоқ(провайдер ёки сервер)_номи . юқори_домен/файлгача_тўлик_йул(папкалар ва файл)
Масалан: <http://informatika.freenet.uz/bonus/music.html>

music.html – файл номи

bonus – каталог

freenet.uz – юсервер номини кўрсатади

http: - маълумотларни алмашиш қондалар системасини кўрсатади (http –бу WWW, ftp – бу FTP, gopher –бу GOPHER системалари).

FTP протокол ёрдамида биз Интернет тармоғи орқали бошқа серверлардан маълумотларни ўзимиз компьютеримизга кўчираимиз. FTP серверда фақат файллар, Web серверда эса фақат гипердокументлар соғланади. Гипердокументлар билан ишлаш учун бизга “Интернет провондник” дастурлар ёки браузер дастурлар тури ёрдам беради. Буларга Internet Explorer, Netscape Navigator ва бошқа дастурлар кирази.

Интернет манзиллар номининг энг сўнги қисми – юқори домен деб аталади ва асосан маълум бир мамлакатни билдиради. У икки харфдан иборат бўлади, масалан:

Uz – Узбекистон

Us – АКШ

Ua – Украина

Uk – Буюк Британия

Ru – Россия

Au – Австралия

Kr – Корея

Jp – Япония

Cn – Хитой

Bg – Бразилия

De – Германия

It – Италия

Лекин домен мамлакатни билдирмасдан бошқа маънони ҳам билдириши мумкин ва у учта харфдан иборат бўлиб, куйидагича бўлиши мумкин:

Com – компания ёки фирма,

Net – тармоқ системалари,

Org – нодавлат корхоналари,

Int – жаҳонаро корхоналари,

Edu – таълим муассасалари

- Интернетнинг фойдаланувчилар учун биринчи муҳим вазифаси уларни ахборот билан таъминлашдир. Тармоқдан кизиқтирган исталган махфий бўлмаган биржага, тижоратга оид ахборотларини, илмий ва сиёсий ахборотларни қисқа вақтда олиш мумкин.
- Иккинчиси - коммуникация вазифаси. Тармоқ технологиялари фойдаланувчига телефон бўйича исталган шаҳар ва мамлакатдаги ўзининг шериклари билан гаплашиш имконини беради, шу билан бир қаторга бу оддий телефон алоқасидан арзонроқдир; оддий почтани ишлатганга қараганда кам харажат қилиб ва шу билан бирга сезиларли даражада тезроқ факс ёки хат юбориш мумкин.
- Учинчиси - кенгаш вазифаси. Интернет тармоғи - бу мутахассисларнинг компьютерлар орқали ўзаро боғланиши ва уларни кизиқтирган муаммоларни муҳокама қилиши, интерактив режимда фойдали маълумотлар билан алмашиши мумкин бўлган жой.

- Тўртинчиси - тижорат вазифаси. Бутун дунёда тармоқ бўйича савдо фаол ривожланмоқда. Имкониятли харидор ўз ШК нинг экранда товарларни кўриб чиқади, буюртма беради ва кредит карточкаси бўйича уларга ҳақ тулайди. Товар унга энг яқин савдо пунктдан олиб келинади, табиийки, энди тармоқ бўйича эмас.
- Бешинчиси - реклама вазифаси. Internet бўйича реклама бериш, биринчи навбатда унинг оммавийлиги ва тезкорлиги туфайли, жуда самаралидир
- Олтинчиси - кўнгил очиш вазифаси. Катта миқдордаги кўнгил очар адабиётларни ўқиш ва фильмларни кўриб чиқиш мумкин, энг мароқли компьютер ўйинларини ўйнаш мумкин, турли хил музейларнинг ва мамлакатларнинг гўзалликларига саёҳат қилиш ва улардан завқланиш мумкин

Агар бирор локал тармоқ Internet га уланган бўлса, у холда бу тармоқнинг ҳар бир ишчи станцияси Internet га чиқишга эгадир, лекин ўзининг хост-компьютери орқали чиқади. Тармоқга уланган ҳар бир компьютер ўзининг адресига эга, шу адрес бўйича уни дунёнинг исталган нуқтасидан абонент топиб олиши мумкин.

Internet тармоғининг структураси - типик мижоз-серверли, яъни тармоқдан асосан ахборот олувчи компьютерлар бор - булар «мижозлар», мижозларни ахборот билан таъминловчи компьютерлар ҳам бор -булар «серверлар» (табиийки, серверлар ҳам маълумот оладилар, аниқроғи уни йиғадилар, лекин барибир уларнинг асосий вазифаси ахборотни беришдир).

Internet тармоғи турли типлардаги ўн миллионлаб компьютерларни турли моделлар ва фасонлардаги шахсий компьютерлардан тортиб то катта ва ўта катта ЭХМ - мейнфреймларгача бирлаштиради. Бундай хилма-хил машиналарнинг бир-бири билан умумий мулоқот тилини топиш жуда мураккаб масаладир. Бу масала мазкур тармоқ учун яратилган компьютерларнинг мулоқот (протоколлари) баённомалари тизимидан фойдаланиш билан ҳал этилади.

Бу тизимнинг асосини иккита асосий баённома ташкил этади;

—Internet Protocol (IP)- тармоқлараро баённома;

—Transmission Control Protocol (TCP) -узатишни бошқариш баённомаси.

IP баённомаси ахборотларни электрон пакетларга (IP дейтаграмма) бўлиб чиқишни ташкил этади, юбориладиган пакетларни маршрутлайди ва олинадиганларини қайта ишлайди.

TCP транспортли даражанинг типик баённомаси ҳисобланади, у маълумотлар оқимини бошқаради, хатоликларни қайта ишлайди ва барча маълумот пакетлари олинганлигини ва керакли тартибда йиғилганлигини кафолатлайди. Internet учун транспортли даражанинг яна бир баённомаси мавжуддир: фойдаланувчи дейтаграммасининг баённомаси (UDP -User Datagram Protocol) оддийроқ ва маълумотларни масъулиятсиз жўнатишларда ишлатилади.

IP ва TCP баённомалари шунчалик чамбарчас боғланганки, кўпинча уларни битта ном остида келтирилади -TCP/IP баённомалари. Бу баённомалар асосида қўшгина тармоқли сервис баённомалари ишлаб чиқилган, уларнинг орасида куйидагиларни таъкидлаш керак;

•File Transfer Protocol (FTP) -файлларни узатиш баённомаси;

•Telnet —узокдан мурожаат қилиш баённомаси, яъни буйруқларни узокдаги компьютерда масофадан туриб ижро этиш;

•Simple Mail Transfer Protocol (SMTP) -электрон почтани юборишнинг оддий баённомаси;

•Hyper Text Transfer Protocol (HTTP) -гиперматнни узатиш баённомаси (World Wide Web да ахборотларни узатишда ишлатилади);

•Network News Transfer Protocol (NNTP) -янгиликларни (телеконференцияларни) узатиш баённомаси.

3.Интернетга уланиш усуллари

Интернетга уланиш учун Интернет провайдерлар билан боғланиш лозим. Провайдер – бу Интернет хизматини кўрсатувчи ташкилотдир. Интернет провайдерларга уч хил усул билан уланиш мумкин

1. Тўғридан –тўғри уланиш (антенна орқали, спутник алоқа)
2. Ажратилган линия орқали уланиш(телефон линияси)
3. Dial-Up тартибда мулоқат тарзида уланиш(телефон линияси)


Биринчи холатда ташкилот ёки корхона Интернет провайдерга Спутник антенна орқали боғланади. Бунда ташкилотдаги локал тармоқга уланган барча компьютерлар паралел равишда интернетда ишлаши мумкин булади. Ахборот узатиш тезлиги 256 килобит/сек дан 1024 килобайт/секундгача бўлиши мумкин. Бу усул орқали катта ташкилот ва корхоналар уланиши мумкин.

Иккинчи холатда ажратилган телефон линияси орқали Интернет Провайдерга уланади. Бунда ташкилотнинг аниқ бир телефон линияси доимий равишда Интернет провайдерга уланган бўлиб, бу линиядан бирданига сўзлашув ва интернетга боғланиш учун фойдаланиш мумкин. Бу холатда ҳам локал тармоқга уланган барча компьютерлар бир вақтнинг ўзида интернетда ишлаш имкониятига эга. Ахборот узатиш тезлиги 56 килобит/сек дан 1024 килобит/секундгача бўлиши мумкин.

Учинчи холатда фойдаланувчи (ташкилот ёки жисмоний шахс) Интернет провайдерга уз телефонидан провайдернинг телефон номерини териш орқали боғланади. Интернет Провайдерга ойлик пул тўлаш ёки интернет карточкалар орқали тўғирланади(настройка). Бунда телефон линияси бир пайтда интернет учун ёки сўзлашув учун ишлатилади ва битта компьютергина интернетда ишлаш имконига эга. Ахборот узатиш тезлиги 56 килобит/секундгача бўлиши мумкин. Бу усулда кичик ташкилотлар ва фукаралар уланиши мумкин. Интернетга уланишнинг барча усуларида модемлардан фойдаланилади. Модемлар ахборот узатиш тезлиги ва моделлари билан бир-биридан фарқ қилади. Модем сўзи модуляция ва демодуляция сўзларидан олинган бўлиб, сигналларни белгиларга ва аксинча белгиларни сигналларга айлантириш вазифасини бажаради.

4. INTERNET EXPLORER дастури билан танишиш

Интернетда ишлаш учун бизга махсус дастурлар «интернет йуловчилари» ёрдам беришади. Уни ишга тушириш учун биз Пуск менюсига кириб Программа бўлимини танлаймиз ва шу булимда Internet Explorer дастури танлаймиз.



Хар бир программа ойнасига ўхшаб бу программа ҳам ўзининг менюси ва ёрдамчи тугмаларига эга. Программада ишлаш учун биз уларни хар биттасини билишимиз шарт. Ойнанинг энг юқорисида меню сатри жойлашган. Бу программани ишлаш холатларини тўғри ўрнатиш учун биз менюдан фойдаланамиз. Куйида биз шу менюнинг хар бир бўлимини алоҳида кўриб чиқамиз.

Меню Файл

- Создать - Янги ойнани очиш
- Открыть окно - Янги ёки сақланган сайтни шу ойнада очиш
- Редактировать - Сайтни тахрирлаш
- Сохранить как - Сайтни қаттиқ дискга сақлаш
- Параметры страницы - Сайт варақасининг хусусиятларини ўзгартириш
- Печать - Босмага чиқариш
- Отправить - Сайтни жўнатиш
- Экспорт импорт -
- Свойства - Сайт хусусиятларини кўриш

Работать автономно - Телефон орқали уланмасдан ишлаш
Закнуть – Беркитиш

Меню Правка

Вырезать - Хотирага кўчириб олиш
Копировать - Хотирага нусхани олиш
Вставить - Хотирадан чиқариш
Выделить всё - Бутун сайтни гурухга танлаш
Найти - Қидириш

Меню Вид

Панель инструментов - Ёрдамчи курулларни ўрнатиш
Строка состояния - Маълумотлар сатрини ўрнатиш
Панель обозревателя - Обозреватель курулларини ўрнатиш
Перход - Сайтга ўтиш
Остановить - Тўхтатиш
Обновить - Янгилатиш
Размер шрифта - Харфлар шрифтини ўзгартириш
Вид кодировки - Кодларни ўзгартириш
Вид HTML - HTML кўринишда кўрсатиш
Во весь экран – Тўлиқ экран кўриш

Меню Избранное


Добавить в избранное - Яшхи кўрган сайтлар руйхатига кўшиш
Упорядочить избранное - Яхши кўрган сайтлар руйхатини тартиблаш

Меню Сервис


Почта новости - Почта билан ишлаш
Синхронизировать - Ойнани қайта текшириб янгиланган сохаларни ўзгартириш
Windows Update - Windows ни версиясини ИНТЕРНЕТ орқали янгилатиш
Показать связанные ссылки - Хамма гиперюлланмаларни кўрсатиш
Свойства обозревателя - Общие бўлимида – бошловчи сайтни ўрнатиш, временний файлларни ёки кирилган сайтларни руйхатини сақлаш, экран ранглари тилли шрифти ва хар хил бошқа холатларни ўрнатиш. Программа бўлимида – почта ва телеконференциялар билан ишладиган программаларни ўрнатиш. Соединение бўлимида – уланиш вазият холатларини

ўзгартириш. Безопасность бўлимида – вирусларда сақланиш. Содержание бўлимида - бир хил сайтларга киришни тақидлаш, маълумотлар тугрилиқни ўрнатиш. Дополнительно бўлимида – Explorer программани хусусиятларини ўрнатиш (қайси объектларни юклаш ва юкласлигини)

Меню сатри тагида ёрдамчи тугмалар сатри жойлашган. Бу сатрдаги тугмалар ердамида биз хар хил амалларни тезкор бажаришимиз мумкин. Шу тугмалари билан хам яқинроқ танишайлик.



1. **Назад** - Бир саҳифа орқага ёки эски сайтларга қайтиш
2. **Вперед** - Бир саҳифа олдинги ёки янги сайтларга ўтиш
3. **Остановить** - Юкланишни тўхтатиш
4. **Обновить** - Юкланишни қайта бошлаш
5. **Домой** - Бошловчи (уй) сайтга ўтиш



1. **Поиск** - Интернетда сайтни қидириш
2. **Избранное** - Яхши кўрган сайтларни руйхатини кўриш
3. **Журнал** - Кирилган сайтлар руйхатини кўриш
4. **Во весь экран** – Тулиқ экран кўринишга ўтиш
5. **Почта** - Почта билан ишлаш
6. **Размер** - Экран шрифтларини ўзгартириш
7. **Печать** - Босмага чиқариш
8. **Правка** - Сайтни тахрирлаш

Ёрдамчи тугмалар сатри тагида АДРЕС сатри жойлашган. Бу сатрда биз керакли Web-сайт адресини ёзиб ENTER тугмасини

босамиз ва шу вақт компьютеримиз шу адресга тегишли Web-саҳифани бизнинг экранимизда чиқаради.

Масалан:

Агар адрес сатрига www.gov.uz ни киритиб ENTER тугмасини боссангиз у холда сизнинг экранда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали пайдо бўлади. Бу саҳифада биз ҳар хил бизнинг Республика ҳукумати ва давлат органлари ҳақида маълумотлар ва расмий хабарлар билан танишишимиз мумкин. Ойнани пастида маълумотлар сатри жойлашган. Бу сатрда биз қайси Web саҳифани юклаганимизни, тўлиқ юкланишига қанча вақт қолишини, гипер юлланмаларни қаерга ўтишини кўришимиз мумкин.

Интернетда маълумотлар билан ишлаш учун Internet Explorer дастурида бирорта кидирувчи дастурни очишимиз лозим бўлади. Бунинг учун Internet Explorer дастурининг команда киритиш қаторига www.rambler.ru сўзини клавиатура орқали ёзишимиз керак. Натijaда компьютер экранда кидирувчи тизимнинг ишчи ойнаси пайдо бўлади.

5. Фойдаланувчилар учун муҳим кидирувчи тизим ва сайтлар манзиллари

Халқаро кидирувчи тизимлар

1. www.yahoo.com
2. www.hotmail.com
3. www.google.com

Рус тилидаги кидирувчи тизимлар ва сайтлар

1. www.rambler.ru - ахборот кидирув тизими
2. www.yandex.ru - ахборот кидирув тизими
3. www.google.ru кидирувчи тизим
4. www.mail.ru - почта хизмати
5. www.lenta.ru - оммавий ахборотлар
6. www.agroru.com - сельское хозяйство России
7. www.h-t.org - библиотека научно-технического литературы
8. www.greeninfo.ru - справочно информационный портал по садоводству, цветоводству и садовому дизайну
9. www.palisad.ru - ландшафтная структура, озеленение и благоустройство

10. www.rashn.ru - Российская академия сельскохозяйственных наук
11. www.agroliga.ru - биологическая защита растений
12. www.agroserver.ru - Российский Агропромышленный сервер
13. www.timacad.ru - Россия Аграр университети сайти
14. WWW.CBIO.RU - журнал коммерческих биотехнологий
15. WWW.INFORMECO.RU - Информационный экономический журнал
16. WWW.CNSHB.RU - Центральная научно-сельскохозяйственная библиотека

Миллий портал ва сайтлар

1. www.gov.uz - Ўзбекистон республикаси ҳукумат портали
2. www.edu.uz - Ўзбекистон республикаси Олий ва Урта махсус таълим вазирлиги портали
3. www.uz - Миллий кидирув тизими
4. www.vak.uz - Ўзбекистон олий аттестация комиссияси сайти
5. www.test.uz - Давлат Тест Маркази сайти
6. www.msvx.uz - Ўзбекистон кишлок ва сув хўжалиги вазирлиги сайти
7. www.tsau.uz Тошкент давлат аграр университети сайти
8. www.islam.uz - ислом дини ҳақида маълумотлар
9. www.uzinfocom.uz - Компьютер ва ахборот технологияларни ривожлантириш ва тадбиқ этиш маркази портали
10. www.uza.uz - Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги сайти
11. www.assalom.uz - биринчи кидирув тизими
12. www.rol.uz - кидирув тизими
13. www.ziyonet.uz - Общественно-образовательная портал Узбекистана
14. www.pedagog.uz - Педагогик олий укув юртлари портали
15. www.literature.uz - Ўзбек адабиёти ҳақида
16. www.aci.uz - Ўзбекистон ахборот ва матбуот агентлиги портали
17. WWW.patent.uz - Патент идораси сайти
18. WWW.poisk.uz - товар ва хизматлар ҳақида бепул эълон доскаси
19. WWW.bcc.com.uz - Business - communication centr
20. WWW.narod.uz - IRC- сети сайтов в Узбекистане
21. WWW.best.uz - интернет технологиялар соҳасида хизматлар

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1. Интернетнинг ривожланиш тарихи	4
2. Интернет адреслари ва хизмат турлари.....	5
3. Интернетта улашни усуллари.....	9
4. INTERNET EXPLORER дастури билан танишиш.....	10
5. Фойдаланувчилар учун муҳим қадриятли тизим ва сайтлар манзиллари.....	14
6. Электрон почта хизмати.....	17
7. ИНТЕРНЕТда электрон почта очиш.....	21
8. Outlook Express дастури билан танишиш.....	23